



Ислом буюрган хукуклар силсиласи

Амр ибн ал Ахвас ал Жумаший -розияллоху анху- хажжатул вадоъда Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан эшитганларини хикоя килиб дедилар: Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам Аллохга хамду сано айтдилар сўнгра ваъз килиб эслатмалар бердилар, шуларнинг орасида: «Эсингизда бўлсин! Аёлларга доимо яхши муомалада бўлинглар. Улар сизларнинг олдингизда асирадирлар, сизлар бундан ортиқ нарсага эга эмассизлар. Бирок, очик бузукчилик (яъни бузук сўз ва ишлар) ва хаёсизлик килсалар, уларнинг жойларини ажратинглар (ва жимо килманглар) ва жонидан ўтмайдиган килиб уринглар, агар сизларга итоат килсалар бошка йўл кидирманглар. Билингларки, сизлар учун хотинларингизнинг устида хакларингиз бор ва хотинларингиз учун хам сизларнинг устингизда хаклари бор. Сизнинг хаккингиз: Тўшагингизга сиз ёмон кўрадиган кишини ўtkizmайдилар ва сиз ёмон кўрган одамни уйингизга киришга рухсат бермайдилар. Шуни хам билингларки! Хотинларингизни сизларнинг устингиздаги хаклари: Уларни чиройли едириб ичиришиинглар ва кийидиришиинглар»-дедилар.

Аллох таъоло деди: «Унинг оятларидан бири – У Зот сизлар хамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-мухабbat пайдо клишидир». (Рум: 21).

Эр-хотин ўрталарида топилган ошнолик ва меҳр-мухабbat бошка икки кишининг ўртасида топилиши мумкин эмас. Аллох таъоло эр-хотин ўрталарида муhabbat ва меҳr-okiбат бўлишини яхши кўради. Шунинг учун Аллох таъоло уларга хукукларни чикариб кўйди. Бу хукукларни адo этишга риоя килиш, ўртадаги муhabbat ва меҳr-okiбатни зое



бўлишдан ва йўқ бўлиб кетишдан саклайди. Аллоҳ таъоло деди:

«...Ва яхши амалларда улар (аёллар) зиммаларидағи бурчлари баробарида хукуклари хам бор». (Бакара: 228).

Бу калима киска бўлишига карамай, батафсил баён килинса катта китоб бўладиган бир коидани ўзида жамлайди. Бу коида - аёл эркак киши билан хамма хукукларда баробар, факатгина куйидаги Аллоҳ таълонинг сўзида ифодалангандир. Аллоҳ таъоло деди:

«...Ва эркаклар учун улар (аёллар) устида бир даража бор» (Бакара: 228).

Аёлларнинг бурчлари ва хукукларини билишни одамларнинг ўрталарида урф бўлган нарсага, турмушлари ва ахлларига киладиган муомалаларига хавола килди. одамларнинг урфлари шариат, ақида, одоб ва одатларига тобе эканлиги мукаррардир. Бу ибора эркак кишига бир тарозини бердики, у хамма ишлари ва холатларида хотинига килаётган муомаласини тортиб кўрсин. Агар у хотинидан бир ишни талаб кимокчи бўлса, бунинг баробарида ўзининг зиммасига хам бу иш лозим бўлишини эслайди. Шунинг учун Ибн Аббос - розияллоҳу анху-: «хотиним менга ясангани каби мен хам унга ясанаман.» дедилар.

Хакикий мусулмон ўзининг зиммасида хотинининг хукуклари борлигини тан олади. Аллоҳ таъоло айганидек: «Яхшиликда улар (аёллар) учун зиммаларидағи бурчлари баробарида хукуклари хам бор».



Пайгамбар саллаллоху алайхи ва саллам айғанларидек:

«Огоҳ бўлинг! Хотинларингиз устида сизнинг хукукларингиз бор ва сизнинг устингизда хотинларингизнинг хукуклари бор».

Онгли мусулмон доимо ўзининг хаккини тўла олганлиги ёки олмаганлигига карамай, хотиннинг хаккини адо этишга уринади. Чунки у ўрталарида мухаббат, меҳр-окибат давом этишига харис бўлади ва шунингдек уларни ажратиш учун ўрталарида низо кўзгатадиган шайтонга имкон бермасликка хам харис бўлади.

«Дин насиҳатдир» деган коидадан келиб чикиб, хозир биз хотиннинг эр устидаги хакларини зикр киламиз, сўнгра эса эрнинг хотин устидаги хакларини зикр киламиз. Шояд эрлар ибратлансалар ва бир-бирларини хакка ва сабрга чакирсалар!.

«Албатта хотинларингиз учун сизларнинг зиммангизда хаклар бор».

1) Эр, хотини билан яхшилик билан турмуш килиши.

Аллоҳ таъоло деди:

«Улар (хотинлар) билан хушмуомала бўлиб, тинч-тотув яшанглар» (Нисо:19).

Бу эса куйидагиларни килиш билан бўлади: Эр ўзи таом еган кезда хотинини егизади ва ўзи бирор кийим кийганда уни хам кийинтиради. Агар итоатсизлигидан кўркса Аллоҳ таъоло аёлларни одоблантиришга буюрган услубда одоблантиради, яъни биринчи бўлиб сўкмасдан, хакорат килмасдан ва «Башаранг курсин» демасдан чиройли насиҳат килади, итоат килса яхши, итоат килмаса ёткода тарқ этади, бунда хам



итоат килмаса, юзидан бошка жойига жонидан ўтиб кетмайдиган килиб уради. Аллох тъоло деди:

«Хотинларингизни итоатсизлигидан кўрксангиз, аввало уларга панд-насихат килинглар, сўнг (насихат кор килмаса) уларни ётокларда тарк килингиз, сўнгра (шунда хам итоат этмасалар) уринглар!». (Нисо: 34).

Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан- «бизлардан биримизнинг устида хотиннинг кандай хакки бор?» деб сўралганларида, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Таом еган вактингда уни таомлантириш, кийган вактингда уни хам кийинтириш, юзига урмаслигинг, Аллох юзингни кабих килсин демаслигинг ва факат уйдагина хажр этмогинг (яъни кўшилмасдан бошка жойда ётиш) -дир» дея жавоб бердилар.

Ахлокнинг камолоти ва иймоннинг ривожланишининг кўриниши, инсон ўзининг ахли билан меҳрибон ва мулоим бўлишлигидир. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Муъминларнинг иймони комилроги хулки гўзалрогидир. Сизларнинг яхшиларингиз, ўзларининг хотинларига яхши бўлганларидир».

Хотинни хурмат килиш кишининг олийжаноблигидандир, хотинни хорлаш эса пасткашлик ва разиллик аломатидир.

Хотинни хурмат килиш жумласидан, ширинсўз ва илтифотли бўлиш ва у билан хазиллашиш, бунда Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам намунатирлар. У Зот Оиша розияллоху анхога илтифот килар ва у билан югуришда мусобака килардилар. Оиша розияллоху анхо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мен билан мусобака килиб, мен у кишидан ўзиб кетдим, сўнг бир муддат ўтгач



этим огирашиб колганида мусобакалашдик Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам мендан ўзиб кетдилар ва бу ўтган галгига баробар бўлди дедилар».

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам оиласи билан бўлган ўйиндан бошка хар бир ўйинни ботил хисобладилар. «Аллоҳ азза ва жалланинг зикри бўлмаган хар бир нарса бехудадир ва вактни бекор ўтказиш ёки эсдан чикаришдир, тўрт хислат бундан мустаснодир.....отини ўргатиши, ахли билан ўйнашлик ва сузишни ўрганиш» дедилар.

Хотин эрига ўзини зийнатлаши лозим бўлгани каби эр хам хотинга зийнатланиши лозимдир. Чунки, эрни хотинга маҳлиё килган нарса хотинни хам эрига маҳлиё килади. Бу Аллоҳ таъолонинг манабу сўзига биноан бўлади: «Ва яхши амалларда улар (аёллар) зиммаларидағи бурчлари баробарида хукуклари хам бор». Ибн Аббос розияллоху анхумо дедилар: «манашу оят асосида, хотиним менга безангани каби мен хам унга безанаман».

2) Хотинни эр устидаги хукукларидан: эр хотиннинг озорига сабр килиши ва унинг килган хатоларини кечириши. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам: «Мұъмин киши мұъмина хотиндан газабланмасин! Унинг бир хулкини хуш кўрмаса бошка бир хулқидан рози бўлади» дедилар.

Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Хотинларга яхшилик килишни ўзингизга лозим тутиналар, зеро улар ковургадан яратилганлар, ковурганинг энг эгри жойи энг юкорисидир. Агар уни тўгрилайман десанг синдириб кўясан, агар уни ташлаб кўйсанг эгрилигича колаверади, шунинг учун хотинларга яхшилик килишни



лозим билинглар».

Салафлардан бирлари дедилар: «Билингки, хотин билан гўзал хулкли бўлиш унга озор беришдан тийилишгина эмас, балки унинг озорини кўтариш ва унинг енгилтаклиги ва газабига халимлик килишидир. Бу ишларда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламда биз учун чиройли намуна бордир. У Зот билан хотинлари айтишиб колишарди, баъзилари куни билан аразлаб юрарди. Агар ишлари кўплиги сабабли, ёки инсончилик хатоси билан бирор ишни килолмай колган бўлса эр уни кечириб кўйиши керак. Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ишларда одамларнинг комилроги эдилар, У Зот бизнинг рахнамомизлар. Шунга тасдик ўларок, Оиша розияллоҳу анҳо онамиз дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор таомни хеч качон айбламаганлар, агар кўнгиллари тортса еганлар, бўлмаса тарк этганлар». (Бухорий ривояти.) Аммо бизлардачиди?! Канчадан канча талокка сабаб бўлган нарса бу: ё хотин таом тайёрлашда бироз кеч колган, ёки тайёрлаган таоми эрига ёкмаган.

Эр еб-ичишида хам хотинининг кўнглини хушлаб кўйиши керак. Оиша розияллоҳу анҳо дедилар: «Мен хайз кўрган холимда, устухон тозалардим, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни олиб оғзим теккан жойга оғизларини кўярдилар. Мен бир идишда сув исчам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни олиб оғзим теккан жойга оғизларини кўярдилар». (Ибн Можа ривояти.) Оғизлари теккан жойини оғизларига кўйишдан максадлари Оиша онамизни хурсанд килиш ва мухаббатларини ифодалаб кўйишлиариdir.

Бошка ўринда Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам: эр хатоларни кўтарувчи, сабр ва бардош эрнинг ахлоки бўлиши лозимлигини, эр хотиндан кўра бардошда кучли, хотин эса заифлигини, кўпинча хато



хотин кишидан содир бўлиши лекин эрнинг сабр ва бардошли бўлиши эрдан талаб килиниши, чунки, эр хотинни бошкарувчи эканлиги, модомики эр бошкарувчи экан, сабр ва бардош бўлиши лозимлигини баён килардилар ва айтар эдиларки: «Муъмин киши муъмина аёлни ёмон кўрмасин! Агар бир хулки ёкмаса бошка бир хулкидан рози бўлади». Эр хотиндан газабланиб уни ёмон кўрмайди, чунки, хотин кишида унга муносиб бўлмаган хулк бўлиши мумкин, лекин у бошка кўп яхши хулклар эгаси бўлади. Агар уни бир хулкини ёқтирамасангиз албатта бошка хулкларидан рози бўласиз. Аммо хар бир камчилигига дашном бераверсангиз ва хамма холатида комил ва камчиликсиз бўлишини талаб киладиган бўлсангиз, бу амри маҳол талабдир. Кимнинг дашноми кўп бўлса, унинг дўсти оз бўлур.

3) Хотиннинг эр устидаги хакларидан: хотиннинг иззатига тегадиган, шарафини булгайдиган ва хурматини кеткизадиган хар бир нарсадан химоя килиб саклайди ва очик-сочик юришдан, безаниб зийнатланиб кўчага чикишдан уни кайтаради. Номахрам эркаклар билан арлашишдан уни кайтаради. Шунингдек, эр хотинига химоя ва риояни тўла ва мукаммал килади. Уни дини ёки ахлокида бузилишига имкон бермайди. Аллоҳ таъоло ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг буйрукларидан юз ўгириб фосика ва фожира бўлишига ўрин колдирмайди. Зоро, эр етакчи, хотин хакида жавобгар ва уни химоя килиш ва саклашликка мажбурдир. Аллоҳ таъоло деди:

«Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар». (Нисо: 34).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Эр киши ўзининг уйида раҳбар ва у ўзининг карамогидагилардан жавобгардир».

Шунингдек эр хотинини кизганиши ва хар бир нигохдан ёки гап-



сўздан саклаши лозим, хотин эрнинг хазинасидаги энг кимматли нарсадир. Бу шаклдаги рашк мард эркакларнинг хос сифатлари дандир. Бу сифатнинг эр кишида мустахкам ўрин олиши, унинг хакикий мард ва шарафли эркак эканлигига амалий далилдир. Шунинг учун улуг кишилар хотинларига рашк килиш ва уларни каттиқ эхтиёт килишлари билан мактала дилар. Сифатларнинг энг ёмони рашкнинг заифлиги ва даюсликдир. Бу сифатлар разил кишилардагина бўлади.

Рашк деганда, ёмон гумон килиш ва хатосини излаш касд килинмайди. Расулulloх саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Рашк килишнинг бир тури борки, уни Аллоҳ таъоло ёмон кўради, у – киши ўзининг хотинига шубҳасиз ўринда рашк килишидир».

Расулulloх саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Саъднинг гийрасидан ажабланяпсизларми, мен ундан кўра гийралирокман ва Аллоҳ мендан кўра гийралирокдир» (Бухорий ва Муслим ривояти.) Мактобга лойик рашк, ўз ўрнида бўлган рашкдир. Аммо хаддан ташкари бўлган гийра-рашк ва асоссиз гумон, булар шайтоннинг васвасасидир, бу ёмон гийрадир. Бу хакда Расулulloх саллаллоҳу алайхи ва салламнинг айтган сўzlари хозиргина ўтди.

4) Хотиннинг хакларидан, эр унга диннинг асосларини ўргатиши: Яъни Аллоҳ таъолога кандай килиб хакикий иймон келтиради ва кандай килиб холис тавхид билан Аллоҳ таъолони танхолигини эътиқод килади, кандай килиб Аллоҳ таъолонинг исм-сифатларига Унинг улуглигига лойик кўринишда иймон келтиради. Аллоҳ таъолога нима нарса лойгу нима нарса нолойиг эканини, Аллоҳ таъолонинг хузуридан келган иймон рукнларига кандай иймон келтиради ва булардан бошқа хотинга вожиб бўлган ислом хукмлари ва халол-



харомларни ўргатади. Ибодат ахкомларини хам таълим беради, уларнинг барчасини бажаришга, хусусан намозга кўпроқ таргиб килади. Унинг шартлари, рукнлари, суннатлари, бузадиган нарсалари ва макрухотларини ўргатади. Булардан ташкари Аллоҳ таълонинг унинг зиммасидаги хукуклари ва эр-хотинлик хакларини ўргатади. Калбни хасад ва ёмон кўриш касалликларидан, тилни гийбат, чакимчилик, хакорат ва ёлгондан саклаш каби улуг исломий одоб-ахллокларни ўргатади. Ўргатибгина кўймай, буларнинг хар бирига хотини кай даражада амал килаётганини назорат килиб боради. «Эй муъминлар сизлар ўзларингизни ва ахли-оилаларингизни унинг ўтини одамлар ва тошлар бўладиган дўзахдан саклангиз». (Тахрим» 6). Али бу оятнинг маъноси: «уларга одоб ўргатинглар ва таълим беринглар!» деди.

Аллоҳ таъоло ўзининг пайгамбари Ислом алайхис-саломни ушбу сўзи билан мактади: «Ахлинин намоз ва закотга буюрар эди ва парвардигори олдида рози бўлингандир».

- 5) Хотиннинг эр устидаги хакларидан: эр уни Аллоҳнинг динини хаётига татбик килиш ва намозга риоя килишга буюриши. Аллоҳ таъоло деди: «Ахлингизни намозга буюринг ва ўзингиз хам (намоз ўкишда) чидамли бўлинг» (Тоха: 132)
- 6) Хотиннинг эр устидаги хукукларидан: жамоат намозларида хозир бўлишга рагбат килса, кариндош ёки кўшниларни зиёрат килишни хохлса куйидаги шартларга кўра рухсат бериш: Хотинни узун кийим кийишга буюради ва зийнатлари ва хусну-жамолини кўрсатиш, очилиб юриш, атир ва бошка нарсалар билан хушбўйланишдан кайтаради. Эркаклар билан аралashiш, кўл бериб сўрашиш, телевизор кўриш ва мусика эшитишдан каттиқ манъ килади.



7) Хотиннинг эр устидаги хукуларидан, унинг сирини очмаслик ва айбини зикр килмаслик, зеро эр хотин устида омонатдор, унинг риоя ва химоя килишга масъулдир. Сирларнинг энг муҳими ётк сирларидир, шунинг учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бу сирни ёйишдан кайтардилар. Асмо бинт Язийдан ривоят килинади, у аёл Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларида эдилар, эркаклар ва аёллар хам ўтиришган эди Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Мумкинки бир киши хотини билан килган нарсани ва аёл эри билан килган нарсани бошқаларга гапириб берар?» хамма лабини тишлади. Ха, эй Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай килишади дедим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ундан килмасинлар, бунинг мисоли бир эркак шайтон кўчанинг ўртасида аёл шайтон билан учрашиб колиб одамларнинг кўз ўнгига у билан ковушиб кўшилганига ўхшайди».

8) Хотиннинг эр устидаги хукуларидан: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўrnak олган холда килинадиган ишларда аёли билан маслаҳат килишлик. Хусусан унинг ўзи ва болалари хусусидаги ишларда. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинлари билан маслаҳат килар ва уларнинг фикрларини олар эдилар. Бунга мисол, Худайбийя кунида сулҳ аҳдномаси ёзиб бўлинганидан сўнг, Сахобаларга: «Туринглар, курбонликларни сўйинглар ва сочингларни киринглар» дедилар. Аллоҳга касамки хеч ким турмади хатто уч бор такрорладилар. Улардан хеч ким турмагач, Умму Салама розияллоҳу анхонинг олдиларига кирдиларда, одамлардан бўлган муносабатни зикр килдилар, шунда Умму Салама розияллоҳу анҳо дедилар: «Эй Расулуллоҳ, шундай килишларини яхши кўрсангиз, чикинг-да токи курбонликка атаган туюнгизни сўйиб сўнгра сочингизни кирадиган бир кишини чакириб у сочингизни кирмагунича улардан бирор кишига гапирманг». Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам



чикдилар-да улардан бирор кишига гапирмадилар хатто бу ишларнинг хаммасини бажардилар. Бу холни сахобалар кўрганларида хаммалари туриб, курбонликларни сўйиб, бир-бирларини соchlарини кирдилар, хатто шошилганларидан якин бир-бирларини ўлдириб кўяй дедилар.

9) Хотиннинг эр устидаги хукукларидан: агар икки хотинли бўлса уларнинг ўрталарида адолат килиш. Таом, кийим, уй-жой ва ётока да адолат килади. Буларнинг бирортасида адолатсизлик килиш ва жабру зулм килиш жоиз эмас, чунки, Аллоҳ таъоло буни харом килди ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Ким иккита хотинга уйланган бўлса ва уларнинг биридан кўра бошкасига мойил бўлса, киёмат куни бир томони кийшик бўлиб келади».

10) Хотиннинг эр устидаги хукукларидан: Килган таомини айбламайди, ёкса ейди, ёкмаса емайди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламга овкат олиб келинса ер эдилар, агар ёкмаса унинг айбини айтмас эдилар. Шунингдек хотинидан содир бўлган хатолардан хам иложи борича кўз юмади ва уларни яхшилик билан тузатишга харакат килади.

Мана шу зикри ўтганлар эркакларнинг устидаги хотинларининг хаклари. Эрлар бу бурчларини адо этишда сускаштлик килмасинлар, буларни адо этиш турмуш ўртогинглар билан тинч-тотув, баҳт-саодатли хаёт кечиришингизнинг энг катта сабабларидандир.

Аллоҳ барча мумин ва муминаларни ўз хаклари ва бурчларини билиш хамда уларга амал килишга муваффак айласин!